Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2020 йил 28 сентябрдаги 32-сон қарорига
ИЛОВА

# Фермер хўжаликлари танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низом

Фермер хўжаликлари танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий низом (кейинги ўринларда-Услубий низом) фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти статистика кузатувини ташкил этиш учун танланма тўпламни шакллантириш тартибини, шунингдек, танланма маълумотларни бош тўпламга тарқатиш ва кузатув натижаларини Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қишлоқ ва балиқчилик хўжалиги соҳаси бўйича тегишли йилнинг январь-март ва январь-сентябрь ойлари якунлари учун ҳисоб-китобларда қўллаш тартибини ўз ичига олган комплекс ҳужжат ҳисобланади.

Услубий низом асосий турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмлари, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалари бош сонлари тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш мақсадида тезкор маълумотларни йиғиш механизмини белгилайди.

Танланма кузатувларни ўтказиш механизми танланма кузатув (кейинги ўринларда кузатув)ларни ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари бўйича ифодаланган ва давлат статистика органлари томонидан тегишли ҳисобот даврида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалари бош сонлари ҳисоб-китобларини амалга ошириш имконини берувчи ишончли статистик маълумотларни олиш учун мўлжалланган.

Мазкур Услубий низомни ишлаб чиқишда, Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги, хусусан, фермер хўжаликларига тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) тавсияларидан, шунингдек, МДҲ давлатларининг тажрибаларидан фойдаланилган.

Кузатувларни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган “Давлат статистика ишлари дастури” қонуний асос бўлиб ҳисобланади.

## I боб. Умумий қоидалар

1. Фермер хўжаликлари кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш республика ва ҳудудлар даражасида “Давлат статистика ишлари дастури”да ва “Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури”да тегишли йил учун белгиланган муддатларда амалга оширилади.

2. Кузатувлар йилда икки марта, республиканинг барча ҳудудларида, туман ва шаҳарларда ўтказилади.

3. Кузатувлар фермер хўжаликлари томонидан махсус статистик саволномаларни ўзлари тўлдириши усулига асосланади ва танлаб олинган фермер хўжаликларининг унда ихтиёрий равишда қатнашиши асосида ўтказилади.

4. Статистик саволнома интернет тармоғи воситасида, eStat автоматлаштирилган тизим орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади.

5. Кузатув даврида олинган маълумотлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бўйича, туманлар ва шаҳарлар кесимида фермер хўжаликлари фаолиятининг қуйидаги умумий кўрсаткичлари шакллантирилади:

а) асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинларининг йиғилган ялпи ҳосили:

- дон ва дуккакли дон экинлари, жами;
  - шу жумладан бошоқли дон экинлари;
    - шундан буғдой;
- маккажўхори дон учун;
- шоли;
- дуккакли дон экинлари, жами;
- картошка;
- сабзавотлар, жами;
- озиқбоп полиз, жами;
- мевалар ва резаворлар, жами;
- узум.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг йиғиб олинган ялпи ҳосили асосий, такрорий, оралиқ, қатор оралиғи экинлари ва ёпиқ ерлардан йил бошидан ўсиб борувчи якунда, дастлабки кирим қилинган вазнда ҳисобга олинади.

б) асосий турдаги моллар, барча турдаги паррандалар бош сони:

- йирик шохли қорамоллар, жами;

  - шундан сигирлар;

- қўй ва эчкилар, жами;
- чўчқалар;
- отлар;
- паррандалар, жами.

Моллар ва паррандалар бош сони кузатув кунига ҳисобга олинади.

в) асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш:

- гўшт тирик вазнда, жами;
- сут, жами;
- тухум, жами;
- жун, жами;
- қоракўл тери;
- асал;
- овланган балиқлар.

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари йил бошидан ўсиб борувчи якунда ҳисобга олинади.

## II боб. Фермер хўжаликлари танланма тўпламини шакллантириш

6. Кузатув бирлиги бўлиб, фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ҳисобланади.

7. Танланма тўпламни шакллантиришда тўлдирилган саволномалар натижасида олинадиган маълумотларнинг зарур ишончли даражаси ҳисобга олинади. Танланма тўпламни шакллантириш учун асос сифатида фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг сонидан (бош тўплам) фойдаланилади.

8. Танланма тўпламни шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади ва ҳудудий статистика органларига етказилади.

9. Фермер хўжаликларининг танланма тўпламини шакллантириш уч босқичда амалга оширилади.

**Биринчи босқичда** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бўйича фаолият юритаётган барча фермер хўжаликларининг, унда иқтисодий фаолият турлари бўйича ажратилган сонлари кўрсатилган ҳолдаги туманлар ва шаҳарлар рўйхати шакллантирилади (1- ва 6 -иловалар).

10. Фермер хўжаликлари сонини аниқлаш учун 1 январь ҳолатига кўра 1-fx “Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот” маълумотларидан ва Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР) маълумотларидан фойдаланилади.

11. Фаолият юритаётган фермер хўжаликларини иқтисодий фаолият турлари бўйича гуруҳлашда “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи” (ИФУТ 2) маълумотларидан фойдаланилади.

Фермер хўжаликларини иқтисодий фаолият турлари бўйича гуруҳлашда ИФУТ 2 нинг икки ва уч хонали рақамли кодларидан фойдаланилади. Бунда, А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги” секциядаги фермер хўжаликлари иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича гуруҳланади:

1) 01.1 мавсумий экинлар етиштириш;

2) 01.2 кўп йиллик экинларни етиштириш; 01.3 кўчатхона маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

3) 01.4 чорвачилик;

4) 03 балиқ овлаш ва аквакультура;

5) бошқалар, 01.5 аралаш қишлоқ хўжалиги; 01.6 қишлоқ хўжалик соҳасидаги ёрдамчи фаолият турлари; 01.7 овчилик ва ёввойи ҳайвонларни тутиш, бу соҳаларда хизмат кўрсатиш; 02 ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш (1-илова).

12. Туман ва шаҳарларда фермер хўжаликлари сонининг ҳар хиллигини ҳисобга олиб, танланма тўпламни шакллантиришда танлаш фоизи тегишли тумандаги ёки шаҳардаги уларнинг сонларига мутаносиб равишда аниқланади, бунда барча туман ва шаҳарларда кузатиладиган фермер хўжаликларининг бир хилдаги сонини танлаш таъминланади.

Масалан, туманда жами 662 бирлик фермер хўжаликлари мавжуд (бош тўплам), жадвал маълумотлари бўйича мазкур туманда битта даврда кузатув ўтказиш учун танлаш фоизи 8,0 фоизни ташкил қилади, шундай қилиб, кузатувларни ўтказиш учун туман бўйича 53 (662 / 100 x 8,0 = 53) та хўжалик (танланма тўплам) танлаб олинади (2-илова).

Кузатувларни ўтказиш учун фермер хўжаликларининг сонларини аниқлаш тамойиллари мазкур Услубий низомнинг жадвали ва 2-иловасида ифодаланган.

Жадвал

**Фермер хўжаликларини уларнинг туман ва шаҳарлардаги сонига боғлиқ равишда танлаш**

| Т.р. | Фермер хўжаликларини уларнинг туман ва шаҳарлар бўйича сонларига боғлиқ равишда гуруҳлаш | Танлаш фоизи | | |
|---|---|---|---|---|
| | | биринчи кузатув даврида | иккинчи кузатув даврида | йил (иккита давр)да |
| 1 | 100 гача | 50,0 | 50,0 | 100,0 |
| 2 | 101 - 150 | 35,0 | 35,0 | 70,0 |
| 3 | 151 - 200 | 25,0 | 25,0 | 50,0 |
| 4 | 201 - 250 | 20,0 | 20,0 | 40,0 |
| 5 | 251 - 300 | 17,0 | 17,0 | 34,0 |
| 6 | 301 - 350 | 15,0 | 15,0 | 30,0 |
| 7 | 351 - 400 | 13,0 | 13,0 | 26,0 |
| 8 | 401 - 500 | 11,0 | 11,0 | 22,0 |
| 9 | 501 - 600 | 9,0 | 9,0 | 18,0 |
| **10** | **601 - 700** | **8,0** | **8,0** | **16,0** |
| 11 | 701 - 800 | 7,0 | 7,0 | 14,0 |
| 12 | 801 - 1100 | 5,0 | 5,0 | 10,0 |
| 13 | 1101 - 1400 | 4,0 | 4,0 | 8,0 |
| 14 | 1401 - 1700 | 3,0 | 3,0 | 6,0 |
| 15 | 1701 ва юқори | 2,5 | 2,5 | 5,0 |

**Иккинчи босқичда** биринчи босқичда ҳисобланган хўжаликлар сонига асосан ҳар бир туман ва шаҳар бўйича мазкур Услубий низомнинг 12-бандида ифодаланган тамойилларга мувофиқ фермер хўжаликларини (танланма тўплам) танлаш амалга оширилади.

13. Кузатувлар учун иқтисодий фаолият турлари бўйича фермер хўжаликларини танлашда туман ёки шаҳар бўйича фермер хўжаликларининг умумий сонига ҳисобланган танлаш фоизидан фойдаланилади (3-илова).

Кузатиладиган фермер хўжаликлари барча иқтисодий фаолият турлари бўйича танланади ва улар фермер хўжаликларининг барча иқтисодий фаолият турларини деярли тўлиқ қамраб олинишини таъминлаши зарур.

Фермер хўжаликлари кузатувини ягона битта иқтисодий фаолият турида ўтказишга диққат эътиборни қаратишга йўл қўйилмайди (туман ёки шаҳарда фақат ягона иқтисодий фаолият тури мавжуд бўлган ҳоллардан ташқари).

Масалан, туманда жами 662 бирлик (бош тўплам) фермер хўжаликлари мавжуд, шундан, 369 таси 01.1 ИФУТ бўйича, 84 таси 01.2; 01.3 ИФУТ бўйича, 185 таси 01.4 ИФУТ бўйича, 20 таси 03 ИФУТ бўйича, 4 таси 01.5; 01.6; 01.7; 02 ИФУТ бўйича.

Жадвал маълумотлари бўйича битта кузатув давридаги танлаш фоизи мазкур туманда 8,0 фоизни ташкил қилади, туман бўйича кузатувларни ўтказиш учун 53 хўжалик (танланма тўплам) танлаб олинади, шундай йўл билан иқтисодий фаолият турлари бўйича фермер хўжаликлари танланади, бунда танланма тўпламдаги хўжаликлар сони қуйидагича ташкил топади:

01.1 ИФУТ бўйича - 28 та хўжалик;

01.2; 01.3 ИФУТ бўйича - 8 та хўжалик;

01.4 ИФУТ бўйича - 13 та хўжалик;

03 ИФУТ бўйича - 3 та хўжалик;

01.5; 01.6; 01.7; 02 ИФУТ бўйича - 1 та хўжалик.

Хўжаликларни танлаш ҳисоблари фоизида бутун бўлмаган сонлар чиқиши ҳолларида, масалан 6,7; 1,6; 0,3 ва ҳ.к., рақамлар яхлитланади ёки у барча ИФУТларни қамраб олишлари учун танланма тўпламдаги хўжаликлар сонига тузатишлар киритилади (3-илова).

14. **Учинчи босқичда** иккинчи босқичда ҳисобланган хўжаликлар сонига асосан кузатувларни ўтказиш учун танлаб олинган фермер хўжаликларининг МҲОБТ, КТУТ, СТИР, хўжаликлар номи, ИФУТ-2 кўрсатилган ҳолдаги рўйхати тузилади (намуна 4- иловада кўрсатилган).

Кузатувлар ўтказиладиган фермер хўжаликларининг рўйхати дастурий таъминотга бириктирилади ва ҳар бир кузатув даври бўйича алоҳида ҳудудий статистика органларига етказилади.

15. Кейинги кузатув даврида олдинги кузатув даврида статистик саволнома тўлдирган фермер хўжаликлари иштирок этмайди. Фермер хўжаликлари, агар туман ёки шаҳар бўйича барча мавжуд хўжаликлар сони белгиланган сондан кам бўлса, статистик саволнома тўлдиришда такроран иштирок этади.

## III боб. Тайёргарлик ишлари

16. “Давлат статистика ишлари дастури” ва “Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури”да белгиланган, тайёргарлик тадбирлари ва кузатувларнинг бориши мониторингини ўтказиш муддатлари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар статистика бошқармалари томонидан таъминланади.

Тайёргарлик ишлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туман ва шаҳар даражасида электрон рўйхатга қўшилган барча фермер хўжаликларига хабарнома етказиш, сўровномани тўлдириш бўйича кўрсатмалар бериш, шунингдек, кузатувнинг мақсади ва вазифалари ва уни ўтказиш муддатлари тўғрисида тушунтиришлар бериш ишларини ўз ичига олади.

## IV боб. Ахборотларни йиғиш

17. Ахборотларни йиғиш, қатъий равишда кузатувлар учун танлаб олинган фермер хўжаликларини қамраб олган ҳолда барча туман ва шаҳарлар бўйича амалга оширилади.

18. Сўровномалар қоғоз кўринишида тақдим этилганда бирламчи маълумотларни киритиш туман, шаҳар статистика бўлимлари ходимлари томонидан махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

19. Катта фоизда сўровнома саволларига жавоб берилмаслиги кузатувлар натижасига салбий таъсир кўрсатишини ва натижада маълумотларнинг тўлиқлиги принципи бузилишига олиб келишини ҳисобга олиб, ҳудудий статистика органлари фермер хўжаликлари томонидан саволнома саволларига жавобларнинг энг юқори фоизини таъминлашлари учун уларга тегишли тавсиявий тушунтиришлар беришлари лозим.

20. Фермер хўжалиги саволномани тўлдиришдан бош тортган, ёки уларни топиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда танловга қўшилган фермер хўжаликларини алмаштиришга йўл қўйилмайди.

## V боб. Маълумотларни қайта ишлаш

21. Кузатув натижасида олинган ахборотлар, стандарт дастурий воситаларни қўллаш орқали қайта ишланади.

22. Кузатув натижаларини таҳлил қилиш ва зарур ҳолларда уларга тузатишлар киритиш ишлари бажарилганидан сўнг маълумотларнинг бирламчи базаси ва саволномада акс эттирилган фермер хўжаликлари рўйхати, ҳудудий статистика органлари томонидан Давлат статистика қўмитасига юборилади.

## VI боб. Танланма кузатув маълумотларини бош тўпламга тарқатиш

23. Фермер хўжаликлари кузатуви натижасида олинган маълумотларни бош тўпламга тарқатиш, туман, шаҳар даражасида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бўйича автоматлаштирилган тарзда Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

24. Танланма кузатув маълумотларини бош тўпламга тарқатиш ҳар бир туман ва шаҳар, ИФУТ, шунингдек, саволноманинг ҳар бир кўрсаткичи бўйича танлов фоизига мутаносиб равишда амалга оширилади (мисоллар 5-иловада кўрсатилган).

Масалан (дон экинлари асосида), туман бўйича фермер хўжаликларининг умумий сони 662 бирликни ташкил қилади, шундан, кузатувлар учун 8,0 фоиз хўжалик ёки 53 бирлик танлаб олинган.

Кузатув ўтказилган 53 хўжалик бўйича умумий ҳажмда 265 центнер дон экинлари ҳосили олинган *(q)*.

Йиғиб олинган дон экинлари ялпи ҳосили бўйича танланма тўплам маълумотларини бош тўпламга *(G)* тарқатиш қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

$$Q = \frac{q * 100}{w},$$

бу ерда $Q$ − бош тўпламдаги дон экинлари ялпи ҳосили ҳажми, центнер;

$q$ − танланма тўпламдаги дон экинлари ялпи ҳосили ҳажми, центнер;

$w$ – бош тўпламдан *(G)* танланма тўпламдаги хўжаликларнинг танлаш фоизи.

$$Q = \frac{265 * 100}{8,0} = 3312,5 \text{ центнер.}$$

Демак, кузатув натижаларига кўра, туман бўйича бош тўпламдаги дон экинларининг ялпи ҳосили баҳолашга кўра 3312,5 центнерни ташкил қилади.

25. Шу каби, кузатув маълумотлари саволноманинг бошқа кўрсаткичлари бўйича бош тўпламга тарқатилади.

## VII боб. Маълумотларни чоп этиш ва тарқатиш

26. Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти статистик кузатувлари натижалари бўйича маълумотлар махсус статистик тўпламлар таркибида таҳлилий статистик жадваллар кўринишида, шунингдек, фойдаланувчиларнинг сўровлари, халқаро ташкилотлар сўровномалари бўйича тарқатилади ва Давлат статистика қўмитасининг веб-сайтига жойлаштирилади.

Фермер хўжаликлари танланма кузатувини ташкил
этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низомга
1-илова

**<u>Қорақалпоғистон Республикаси</u> бўйича туманлар ва шаҳарлар рўйхати, улардаги фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг иқтисодий фаолият турларига боғлиқ равишдаги сони [*)] (бош тўплам, *N*)**

**(шартли мисол)**

| МҲОБТ | Ҳудудлар номи | Фермер хўжаликлари сонлари, бирлик | шу жумладан, иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2) бўйича | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 01.1 | 01.2; 01.3 | 01.4 | 03 | **бошқалар:** 01.5; 01.6; 01.7; 02 |
| **1735** | **Қорақалпоғистон Республикаси** | **5832** | **3738** | **394** | **1363** | **270** | **67** |
| | **туманлар ва шаҳар** | - | - | - | - | - | - |
| 1735204 | Амударё | 420 | 374 | 13 | 26 | 4 | 3 |
| 1735207 | Беруний | 730 | 328 | 90 | 256 | 46 | 10 |
| 1735211 | Қораўзак | 437 | 364 | 8 | 50 | 12 | 3 |
| 1735212 | Кегайли | 435 | 267 | 26 | 119 | 19 | 4 |
| 1735215 | Қўнғирот | 345 | 199 | 12 | 107 | 25 | 2 |
| 1735218 | Қанликўл | 361 | 278 | 15 | 49 | 15 | 4 |
| 1735222 | Мўйноқ | 103 | 21 | 1 | 71 | 5 | 5 |
| 1735225 | Нукус | 375 | 284 | 10 | 60 | 13 | 8 |
| 1735228 | Тахиятош | 95 | 54 | 8 | 25 | 5 | 3 |
| 1735230 | Тахтакўпир | 239 | 153 | 12 | 67 | 6 | 1 |
| **1735233** | **Тўрткўл** | **662** | **369** | **84** | **185** | **20** | **4** |
| 1735236 | Хўжайли | 246 | 154 | 20 | 45 | 17 | 10 |
| 1735240 | Чимбой | 458 | 352 | 22 | 72 | 7 | 5 |
| 1735243 | Шўманой | 320 | 263 | 18 | 31 | 5 | 3 |
| 1735250 | Элликқалъа | 606 | 278 | 55 | 200 | 71 | 2 |
| 1735401 | Нукус ш. | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |

[*)] Рўйхат ҳар бир туман, шаҳар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар кесимида тузилади.

Фермер хўжаликлари танланма кузатувини
ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
Услубий низомга
2-илова

**Фермер хўжаликларини уларнинг туман ва шаҳарлардаги сонига боғлиқ равишда танлаш**

**(танланма тўплам, *n*)** *)

**(шартли мисол)**

| МҲОБТ | Ҳудудлар номи | *(N)*, бош тўплам даги хўжалик лар сони *(G)* | Битта кузатила-диган давр учун танлаш фоизи | *(n)*, танланма тўпламдаги хўжаликлар сони, бирлик (*G* дан) | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | биринчи даврда | иккинчи даврда | йил (иккита давр)да |
| **1735** | **Қорақалпоғистон Республикаси** | **5832** | **12,4** | **721** | **721** | **1442** |
| | **туманлар ва шаҳар** | - | - | - | - | - |
| 1735204 | Амударё | 420 | 11,0 | 46 | 46 | 92 |
| 1735207 | Беруний | 730 | 7,0 | 51 | 51 | 102 |
| 1735211 | Қораўзак | 437 | 11,0 | 48 | 48 | 96 |
| 1735212 | Кегайли | 435 | 11,0 | 48 | 48 | 96 |
| 1735215 | Қўнғирот | 345 | 15,0 | 52 | 52 | 104 |
| 1735218 | Қанликўл | 361 | 13,0 | 47 | 47 | 94 |
| 1735222 | Мўйноқ | 103 | 35,0 | 36 | 36 | 72 |
| 1735225 | Нукус | 375 | 13,0 | 49 | 49 | 98 |
| 1735228 | Тахиятош | 95 | 50,0 | 48 | 48 | 96 |
| 1735230 | Тахтакўпир | 239 | 20,0 | 48 | 48 | 96 |
| **1735233** | **Тўрткўл** | **662** | **8,0** | **53** | **53** | **106** |
| 1735236 | Хўжайли | 246 | 20,0 | 49 | 49 | 98 |
| 1735240 | Чимбой | 458 | 11,0 | 50 | 50 | 100 |
| 1735243 | Шўманой | 320 | 15 | 48 | 48 | 96 |
| 1735250 | Элликқалъа | 606 | 8,0 | 48 | 48 | 96 |
| 1735401 | Нукус ш. | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |

*) Ҳисоб китоблар ҳар бир туман, шаҳар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар кесимида амалга оширилади.

Фермер хўжаликлари танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низомга
3-илова

**Фермер хўжаликларини туман ва шаҳарлардаги иқтисодий фаолият турларига боғлиқ равишда танлаш**

**(шартли мисол)**

| Т/р | Кўрсаткичлар номи | Жами | шу жумладан, иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2) бўйича | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | **01.1** | **01.2; 01.3** | **01.4** | **03** | **бошқалар: 01.5; 01.6; 01.7; 02** |
| 1 | *(N),* туман бўйича бош тўпламдаги *(G)* хўжаликлар сони, бирлик | 662 | 369 | 84 | 185 | 20 | 4 |
| 2 | Бош тўпламдан *(G)* танланма тўпламга хўжаликларни танлаш фоизи | 8,0 | 8,0 | 8,0 | 8,0 | 8,0 | 8,0 |
| 3 | Бош тўпламдан *(G)* танланма тўпламдаги хўжаликларнинг сони *(n)*, бирлик (1 / 100 х 2) | 52,96 | 29,5 | 6,7 | 14,8 | 1,6 | 0,3 |
| 4 | ***G* дан танланма тўпламдаги хўжаликлар сонига *(n)* тузатишлар киритиш** **) | **53** | **28** | **8** | **13** | **3** | **1** |

*) Ҳисоб китоблар ҳар бир туман, шаҳар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар кесимида амалга оширилади.

****)** Танланма тўплам барча ИФУТларни қамраб олиши учун зарур ҳолларда хўжаликлар сонига тузатишлар киритиш мумкин.

Фермер хўжаликлари танланма кузатувини
ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
Услубий низомга
4-илова

**Туман ва шаҳарларда кузатувлар учун иқтисодий фаолият турларига боғлиқ равишда танлаб олинган фермер хўжаликларининг рўйхати (танланма тўплам, *n*)** [*)]

**(шартли мисол)**

| Т/р | КТУТ | СТИР | Фермер хўжаликларининг номи | ИФУТ-2 |
|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |
| 4 | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| 51 | | | | |
| 52 | | | | |
| **53** | | | | |

[*)] Рўйхат ҳар бир туман, шаҳар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар кесимида тузилади.

Фермер хўжаликлари танланма кузатувини
ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
Услубий низомга
5-илова

**Танланма тўплам маълумотларини оддий усулда, танлаш фоизига мутаносиб равишда бош тўпламга тарқатиш ҳисоб-китоби мисоли**

(дон экинлари мисолида) *)

**(шартли мисол)**

| Т/р | Кўрсаткичлар номи | Кўрсаткич-лар | Ҳисоб-китоблар | Формулалар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | *(N)*, туман бўйича бош тўпламдаги *(G)* хўжаликлар сони, бирлик | 662 | - | $N$ |
| 2 | Бош тўпламдан *(G)* танланма тўпламга хўжаликларни танлаш фоизи | 8,0 | - | $w$ |
| 3 | Бош тўпламдан *(G)* танланма тўпламдаги хўжаликларнинг сони *(n)*, бирлик | 53 | 3 = 2 x 1 / 100 | $n = \frac{w * N}{100}$ |
| 4 | Танланма тўпламдаги дон экинлари ялпи ҳосили ҳажми, центнер | 265,0 | - | $q$ |
| 5 | **Бош тўпламдаги дон экинлари ялпи ҳосили ҳажми, центнер** | **3312,5** | **5 = 4 x 100 / 2** | $\boldsymbol{Q = \frac{q * 100}{w}}$ |

*) Мазкур жадвал, шунингдек, саволноманинг бошқа кўрсаткичларини ҳисоблашда ҳам фойдаланилади.

Фермер хўжаликлари танланма кузатувини
ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
Услубий низомга 6-илова

## Танланма тўпламни шакллантириш механизми ва фермер хўжаликлари кузатувларини ўтказиш

| Босқичлар | Амалга ошириш механизми | Масъуллар |
|---|---|---|
| I | **Бош тўплам *(N)* -** 1 январь ҳолатига кўра Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР) маълумотларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бўйича уларда фаолият юритаётган барча фермер хўжаликларининг, уларни иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2) бўйича ажратилган сонлари кўрсатилган ҳолдаги туманлар ва шаҳарлар рўйхати шакллантирилади. | Давлат статистика қўмитаси Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси |
| II | **Танланма тўплам *(n)* -** биринчи босқичда ҳисобланган хўжаликлар сонига асосан ҳар бир туман ва шаҳар бўйича фермер хўжаликларини танлаш амалга оширилади. | Давлат статистика қўмитаси Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси |
| III | Иккинчи босқичда ҳисобланган хўжаликлар сонига асосан кузатувларни ўтказиш учун танлаб олинган фермер хўжаликларининг МҲОБТ, КТУТ, СТИР, хўжаликлар номи, ИФУТ-2 кўрсатилган ҳолдаги рўйхати тузилади ва дастурий таъминотга бириктирилади ҳамда ҳудудий статистика органларига етказилади. | Давлат статистика қўмитаси Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси |
| IV | Тайёргарлик ишлари. | Ҳудудий статистика органлари |
| V | Ахборотларни йиғиш | Ҳудудий статистика органлари |
| VI | Маълумотларни қайта ишлаш, танланма маълумотларни бош тўпламга тарқатиш. | Ҳудудий статистика органлари, Давлат статистика қўмитаси Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси |
| VII | Маълумотларни чоп этиш ва тарқатиш. | Ҳудудий статистика органлари, Давлат статистика қўмитаси Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси |

ПРИЛОЖЕНИЕ
к постановлению Государственного комитета
Республики Узбекистан по статистике
от 28 сентября 2020 года № 32

# Методические положения по организации и проведению выборочного обследования фермерских хозяйств

Методические положения по организации и проведению выборочного обследования фермерских хозяйств (далее-Методические положения) являются комплексным документом, содержащим порядок формирования выборочной совокупности фермерских хозяйств для организации статистического наблюдения за их сельскохозяйственной деятельностью, а также порядок распространения выборочных данных на генеральную совокупность и применения результатов обследования в расчетах итогов социально-экономического развития Республики Узбекистан по отрасли сельского и рыбного хозяйства за январь-март и январь-сентябрь соответствующего года.

Методические положения определяют механизм сбора оперативных данных в целях формирования информации об объемах производства основных видов продукции растениеводства и животноводства, поголовья сельскохозяйственных животных и птицы.

Механизм проведения выборочных обследований изложен по этапам организации и проведения выборочных обследований (далее-обследование) и предназначен для получения органами государственной статистики достоверных статистических данных, позволяющих провести расчеты производства основных видов продукции сельского хозяйства, поголовья сельскохозяйственных животных и птицы в соответствующем отчетном периоде.

При разработке настоящих Методических положений использованы нормативно-правовые акты Республики Узбекистан в сфере сельского хозяйства, касающиеся, в частности фермерских хозяйств, рекомендации Продовольственной и сельскохозяйственной организации ООН (FAO), а также опыт стран СНГ.

Законодательной основой для проведения обследования являются Закон Республики Узбекистан «О государственной статистике», «Программа

государственных статистических работ», ежегодно утверждаемая Кабинетом Министров Республики Узбекистан.

## Глава I. Общие положения

1. Организация и проведение обследования фермерских хозяйств осуществляются на республиканском и территориальном уровнях в сроки, установленные «Программой государственных статистических работ» и «Производственной программой государственных статистических работ» на соответствующий год.

2. Обследование проводится два раза в год во всех регионах республики, в районах и городах.

3. Обследование основывается на методе самозаполнения специального статистического вопросника фермерскими хозяйствами и проводится на основе добровольного участия в нем отобранных фермерских хозяйств.

4. Статистический вопросник представляется посредством сети Интернет через автоматизированную информационную систему eStat с использованием электронной цифровой подписи.

5. На основе полученных данных в период обследования формируются следующие общие показатели деятельности фермерских хозяйств по Республике Каракалпакстан, областям в разрезе районов и городов:

а) валовой сбор урожая основных видов сельскохозяйственных культур:

- зерновые и зернобобовые культуры, всего;
    - в том числе зерноколосовые культуры;
        - из них пшеница;
- кукуруза на зерно;
- рис;
- зернобобовые культуры, всего;
- картофель;
- овощи, всего;
- бахчи продовольственные, всего;
- плоды и ягоды, всего;
- виноград.

Валовой сбор урожая сельскохозяйственных культур учитывается нарастающим итогом с начала года в первоначально оприходованном весе

с основных, повторных, промежуточных, междурядных посевов и закрытого грунта.

б) поголовье основных видов скота, поголовье птицы всех видов:

- крупный рогатый скот, всего;
  - из них коровы;
- овцы и козы, всего;
- свиньи;
- лошади;
- птица, всего.

Поголовье скота и птицы учитывается на день обследования.

в) производство основных видов продукции животноводства:

- мясо в живом весе, всего;
- молоко, всего;
- яйца, всего;
- шерсть, всего;
- каракульские шкурки;
- мёд;
- улов рыбы.

Объемы производства продукции животноводства учитываются нарастающим итогом с начала года.

## Глава II. Формирование выборочной совокупности фермерских хозяйств

6. Единицей наблюдения являются действующие фермерские хозяйства.

7. При формировании выборочной совокупности учитывается необходимый уровень достоверности данных, получаемых в результате заполненных вопросников. В качестве основы для формирования выборки используется количество действующих фермерских хозяйств (генеральная совокупность).

8. Формирование выборочной совокупности осуществляется Государственным комитетом Республики Узбекистан по статистике и доводится до территориальных органов статистики.

9. Формирование выборочной совокупности фермерских хозяйств осуществляется в три этапа.

**На первом этапе** формируются списки районов, городов с указанием в них количества всех действующих фермерских хозяйств с разбивкой их по видам экономической деятельности по Республике Каракалпакстан и областям (приложения № 1 и № 6).

10. Для определения количества фермерских хозяйств используются данные по 1-fx «Отчет о деятельности фермерского хозяйства» и данные Единого государственного регистра предприятий и организаций (ЕГРПО) по состоянию на 1 января.

11. Для группировки действующих фермерских хозяйств по видам экономической деятельности используются данные «Общегосударственного классификатора видов экономической деятельности Республики Узбекистан» (ОКЭД-2).

При группировке фермерских хозяйств по видам экономической деятельности используются двух и трех значные цифровые коды ОКЭД-2. При этом фермерские хозяйства в секции А «Сельское, лесное и рыбное хозяйство» группируются по видам экономической деятельности следующим образом:

1) 01.1 выращивание сезонных культур;

2) 01.2 выращивание многолетних культур; 01.3 производство продукции питомников;

3) 01.4 животноводство;

4) 03 рыболовство и аквакультура;

5) прочие, 01.5 смешанное сельское хозяйство; 01.6 вспомогательные виды деятельности в области сельского хозяйства; 01.7 охота и отлов диких животных, включая предоставление услуг в этих областях; 02 лесоводство и лесозаготовки (приложение № 1).

12. Учитывая разное количество фермерских хозяйств в районах и городах, при формировании выборочной совокупности процент отбора определяется пропорционально их количеству в соответствующих районах или городах, при этом обеспечивается отбор одинакового количества обследуемых фермерских хозяйств во всех районах и городах.

Например, всего в районе имеются 662 единицы фермерских хозяйств (генеральная совокупность), по данным таблицы процент отбора на один период обследования в данном районе составляет 8,0 процента, аналогичным образом по району для проведения обследования отбираются

53 (662 / 100 x 8,0 = 53) хозяйства (выборочная совокупность) (приложение № 2).

Принцип определения количества фермерских хозяйств для обследования изложен в таблице и приложении № 2 к настоящим Методическим положениям.

Таблица

**Отбор фермерских хозяйств в зависимости от их числа в районе и городе**

| № п/п | Группировка фермерских хозяйств в зависимости от их количества по району и городу | Процент отбора | | |
|---|---|---|---|---|
| | | на первый период обследования | на второй период обследования | за (два периода) год |
| 1 | до 100 | 50,0 | 50,0 | 100,0 |
| 2 | 101 - 150 | 35,0 | 35,0 | 70,0 |
| 3 | 151 - 200 | 25,0 | 25,0 | 50,0 |
| 4 | 201 - 250 | 20,0 | 20,0 | 40,0 |
| 5 | 251 - 300 | 17,0 | 17,0 | 34,0 |
| 6 | 301 - 350 | 15,0 | 15,0 | 30,0 |
| 7 | 351 - 400 | 13,0 | 13,0 | 26,0 |
| 8 | 401 - 500 | 11,0 | 11,0 | 22,0 |
| 9 | 501 - 600 | 9,0 | 9,0 | 18,0 |
| **10** | **601 - 700** | **8,0** | **8,0** | **16,0** |
| 11 | 701 - 800 | 7,0 | 7,0 | 14,0 |
| 12 | 801 - 1100 | 5,0 | 5,0 | 10,0 |
| 13 | 1101 - 1400 | 4,0 | 4,0 | 8,0 |
| 14 | 1401 - 1700 | 3,0 | 3,0 | 6,0 |
| 15 | 1701 и более | 2,5 | 2,5 | 5,0 |

**На втором этапе** на основе исчисленного на первом этапе количества хозяйств осуществляется отбор фермерских хозяйств (выборочная совокупность) по каждому району, городу согласно принципу, изложенному в пункте 12 настоящих Методических положений.

13. При отборе фермерских хозяйств для обследования по видам экономической деятельности используется процент отбора, исчисленный на общее количество фермерских хозяйств по району или городу (приложение № 3).

Обследуемые фермерские хозяйства отбираются по всем видам экономической деятельности таким образом, чтобы они обеспечивали

наиболее полный охват всех видов экономической деятельности фермерских хозяйств.

Не допускается проводить обследование фермерских хозяйств, сконцентрированных в единственном виде экономической деятельности (кроме случаев, когда в районе или в городе имеется только единственный вид экономической деятельности).

Например, всего в районе имеются 662 единицы фермерских хозяйств (генеральная совокупность), из них 369 - по ОКЭД 01.1, 84 - по ОКЭД 01.2; 01.3, 185 - по ОКЭД 01.4, 20 - по ОКЭД 03, 4 - по ОКЭД 01.5; 01.6; 01.7; 02.

По данным таблицы процент отбора на один период обследования в этом районе составляет 8,0 процента, по району для проведения обследования отбираются 53 хозяйства (выборочная совокупность), аналогичным образом отбираются фермерские хозяйства по видам экономической деятельности, при этом количество хозяйств в выборочной совокупности составляет:

по ОКЭД 01.1 - 28 хозяйств;

по ОКЭД 01.2; 01.3 - 8 хозяйств;

по ОКЭД 01.4 - 13 хозяйств;

по ОКЭД 03 - 3 хозяйства;

по ОКЭД 01.5; 01.6; 01.7; 02 - 1 хозяйство.

В случаях, если при исчислении отбора хозяйств по проценту выявляются нецелые числа, например 6,7; 1,6; 0,3 и т.д., то цифры округляются или корректируются по количеству хозяйств в выборочной совокупности, с тем чтобы, она охватила весь ОКЭД (приложение № 3).

14. **На третьем этапе** на основе исчисленного на втором этапе количества хозяйств составляется список фермерских хозяйств, отобранных для обследования, с указанием в них СОАТО, ОКПО, ИНН, наименования, ОКЭД-2 (образец указан в приложении № 4).

Список обследуемых фермерских хозяйств прикрепляется в программное обеспечение и доводится до территориальных органов статистики отдельно по периодам обследования.

15. В следующем периоде обследования не участвует фермерские хозяйства, заполнявшие статистический вопросник в предыдущем периоде. Фермерские хозяйства повторно участвуют при заполнении статистического

вопросника в случае, если во всех имеющихся по району или городу количество хозяйств меньше намеченного числа.

## Глава III. Подготовительные работы

16. Проведение подготовительных мероприятий и мониторинг хода обследования в установленные «Программой государственных статистических работ» и «Производственной программой государственных статистических работ» сроки обеспечивается управлениями статистики Республики Каракалпакстан и областей.

Подготовительные работы включают в себя на уровне Республики Каракалпакстан, областей, района и города доведение уведомления до всех фермерских хозяйств, включенных в электронный перечень, разъяснение по заполнению вопросника, а также о целях и задачах обследования и сроках его проведения.

## Глава IV. Сбор информации

17. Сбор информации осуществляется строго по всем районам и городам с охватом отобранных для обследования фермерских хозяйств.

18. При предоставлении анкеты на бумажном носителе ввод первичных данных осуществляется работниками районных, городских отделов статистики с использованием специализированного программного обеспечения.

19. Учитывая, что большой процент неответов отрицательно влияет на качество результатов обследования и, как следствие, ведет к искажению принципов полноты данных, сотрудники территориальных органов статистики полномочный давать соответствующие рекомендации, разъяснения для обеспечения максимально высокого процента их ответов фермерским хозяйствам на вопросы вопросника.

20. В случае отказа фермерского хозяйства от участия в заполнении вопросника или в случае не найденного фермерского хозяйства не допускается замена хозяйства, включенного в выборку.

## Глава V. Обработка данных

21. Информация, полученная в результате обследования, обрабатывается с применением стандартных программных средств.

22. После выполнения анализа и при необходимости корректировки результатов обследования, территориальными органами статистики первичная база данных и каталог, отраженные в вопросниках фермерских хозяйств, направляются в Госкомстат.

## Глава VI. Распространение данных выборочного обследования на генеральную совокупность

23. Распространение выборочных данных, полученных по результатам обследования фермерских хозяйств на генеральную совокупность, производится автоматизированно на уровне района, города, по Республике Каракалпакстан и областям с использованием специального программного обеспечения, разработанного Госкомстатом.

24. Распространение данных выборочного обследования на генеральную совокупность осуществляется отдельно по каждому району, городу, ОКЭД, а также по каждому показателю вопросника пропорционально проценту отбора (примеры указаны в приложении № 5).

Например (на основе зерновых культур), общее количество фермерских хозяйств по району составляет 662 единицы, из них для обследования отобраны 8,0 процента хозяйств, или 53 единицы.

Суммарно по обследованным 53 хозяйствам получен общий объем урожая зерновых культур *(q)* - 265 центнеров.

Распространение на генеральную совокупность выборочных данных *(G)* по валовому сбору урожая зерновых культур производится с использованием следующей формулы:

$$Q = \frac{q*100}{w},$$

где $Q$ – объем валового сбора урожая зерновых культур в генеральной совокупности, центнер;

$q$ – объем валового сбора урожая зерновых культур в выборочной совокупности, центнер;

$w$ – процент отбора хозяйств в выборочной совокупности от генеральной совокупности *(G)*.

$$Q = \frac{265*100}{8,0} = 3312,5 \text{ центнеров.}$$

Следовательно, по результатам обследования валовой сбор урожая зерновых культур по району в генеральной совокупности оценочно составляет 3312,5 центнеров.

25. Аналогичным образом распространяются данные обследования на генеральную совокупность и по другим показателям вопросника.

## Глава VII. Публикация и распространение данных

26. Данные по результатам статистических обследований сельскохозяйственной деятельности фермерских хозяйств распространяются в виде аналитических статистических таблиц, в составе специализированных сборников, а также предоставляются по запросу пользователей, вопросникам международных организаций и размещаются на веб-сайте Госкомстата.

Приложение № 1
к Методическим положениям по организации и проведению
выборочного обследования фермерских хозяйств

**Список районов и городов, количество действующих в них фермерских хозяйств в зависимости от их видов экономической деятельности по Республике Каракалпакстан *) (генеральная совокупность, *N*)**

**(пример условный)**

| СОАТО | Наименование территории | Число фермерских хозяйств, всего, ед. | в том числе по Общегосударственному классификатору видов экономической деятельности (ОКЭД-2) | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 01.1 | 01.2; 01.3 | 01.4 | 03 | **прочие:** 01.5; 01.6; 01.7; 02 |
| **1735** | **Респ.Каракалпакстан** | **5832** | **3738** | **394** | **1363** | **270** | **67** |
| | **районы и город** | - | - | - | - | - | - |
| 1735204 | Амударьинский | 420 | 374 | 13 | 26 | 4 | 3 |
| 1735207 | Берунийский | 730 | 328 | 90 | 256 | 46 | 10 |
| 1735211 | Караузякский | 437 | 364 | 8 | 50 | 12 | 3 |
| 1735212 | Кегейлийский | 435 | 267 | 26 | 119 | 19 | 4 |
| 1735215 | Кунградский | 345 | 199 | 12 | 107 | 25 | 2 |
| 1735218 | Канлыкульский | 361 | 278 | 15 | 49 | 15 | 4 |
| 1735222 | Муйнакский | 103 | 21 | 1 | 71 | 5 | 5 |
| 1735225 | Нукусский | 375 | 284 | 10 | 60 | 13 | 8 |
| 1735228 | Тахиаташский | 95 | 54 | 8 | 25 | 5 | 3 |
| 1735230 | Тахтакупырский | 239 | 153 | 12 | 67 | 6 | 1 |
| **1735233** | **Турткульский** | **662** | **369** | **84** | **185** | **20** | **4** |
| 1735236 | Ходжейлийский | 246 | 154 | 20 | 45 | 17 | 10 |
| 1735240 | Чимбайский | 458 | 352 | 22 | 72 | 7 | 5 |
| 1735243 | Шуманайский | 320 | 263 | 18 | 31 | 5 | 3 |
| 1735250 | Элликкалинский | 606 | 278 | 55 | 200 | 71 | 2 |
| 1735401 | г.Нукус | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |

*) Список составляется по каждому району, городу в разрезе Республики Каракалпакстан, областей.

Приложение № 2
к Методическим положениям
по организации и проведению выборочного
обследования фермерских хозяйств

**Отбор фермерских хозяйств в зависимости от их числа в районе и городе (выборочная совокупность, *n*) *)**

**(пример условный)**

| СОАТО | Наименование территории | *(N)*, число хозяйств в генеральной совокупности *(G)* | Процент отбора на один обследуемый период | *(n)*, число хозяйств в выборочной совокупности, ед. (от *G*) | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | в первый период | во второй период | в (два периода) год |
| **1735** | **Респ.Каракалпакстан** | **5832** | **12,4** | **721** | **721** | **1442** |
| | **районы и город** | - | - | - | - | - |
| 1735204 | Амударьинский | 420 | 11,0 | 46 | 46 | 92 |
| 1735207 | Берунийский | 730 | 7,0 | 51 | 51 | 102 |
| 1735211 | Караузякский | 437 | 11,0 | 48 | 48 | 96 |
| 1735212 | Кегейлийский | 435 | 11,0 | 48 | 48 | 96 |
| 1735215 | Кунградский | 345 | 15,0 | 52 | 52 | 104 |
| 1735218 | Канлыкульский | 361 | 13,0 | 47 | 47 | 94 |
| 1735222 | Муйнакский | 103 | 35,0 | 36 | 36 | 72 |
| 1735225 | Нукусский | 375 | 13,0 | 49 | 49 | 98 |
| 1735228 | Тахиаташский | 95 | 50,0 | 48 | 48 | 96 |
| 1735230 | Тахтакупырский | 239 | 20,0 | 48 | 48 | 96 |
| **1735233** | **Турткульский** | **662** | **8,0** | **53** | **53** | **106** |
| 1735236 | Ходжейлийский | 246 | 20,0 | 49 | 49 | 98 |
| 1735240 | Чимбайский | 458 | 11,0 | 50 | 50 | 100 |
| 1735243 | Шуманайский | 320 | 15 | 48 | 48 | 96 |
| 1735250 | Элликкалинский | 606 | 8,0 | 48 | 48 | 96 |
| 1735401 | г.Нукус | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |

***)** Расчет осуществляется по каждому району, городу в разрезе Республики Каракалпакстан, областей.

Приложение № 3
к Методическим положениям по организации и проведению
выборочного обследования фермерских хозяйств

**Отбор фермерских хозяйств в зависимости от их видов экономической деятельности в районе и городе**

**(пример условный)**

| № п/п | Наименование показателей | Всего | в том числе по Общегосударственному классификатору видов экономической деятельности (ОКЭД-2) | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | **01.1** | **01.2; 01.3** | **01.4** | **03** | **Прочие: 01.5; 01.6; 01.7; 02** |
| 1 | *(N),* число хозяйств в генеральной совокупности *(G)* по району, ед. | 662 | 369 | 84 | 185 | 20 | 4 |
| 2 | Процент отбора хозяйств в выборочной совокупности от генеральной совокупности *(G)* | 8,0 | 8,0 | 8,0 | 8,0 | 8,0 | 8,0 |
| 3 | Число *(n)* хозяйств в выборочной совокупности от *G*, ед. (1 / 100 х 2) | 52,96 | 29,5 | 6,7 | 14,8 | 1,6 | 0,3 |
| 4 | **Корректировка числа *(n)* хозяйств в выборочной совокупности от *G*, ед. **)** | **53** | **28** | **8** | **13** | **3** | **1** |

***)** Расчет осуществляется по каждому району, городу в разрезе Республики Каракалпакстан, областей.

****)** При необходимости можно корректировать количество хозяйств в выборочной совокупности, с тем, чтобы, она охватила весь ОКЭД.

Приложение № 4
к Методическим положениям
по организации и проведению выборочного
обследования фермерских хозяйств

**Список**
**фермерских хозяйств, отобранных для обследования в зависимости от их видов экономической деятельности в районе и городе (выборочная совокупность, *n*)** *)

**(пример условный)**

| № п/п | ОКПО | ИНН | Наименование фермерских хозяйств | ОКЭД-2 |
|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |
| 4 | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| 51 | | | | |
| 52 | | | | |
| **53** | | | | |

*) Список составляется по каждому району, городу в разрезе Республики Каракалпакстан, областей.

Приложение № 5
к Методическим положениям
по организации и проведению выборочного
обследования фермерских хозяйств

**Пример распространения данных выборочной совокупности на генеральную совокупность методом простого распространения пропорционально проценту отбора**

(на примере зерновых культур) *)

**(пример условный)**

| № п/п | Наименование показателей | Показатели | Расчеты | Формулы |
|---|---|---|---|---|
| 1 | *(N),* число хозяйств в генеральной совокупности *(G)* по району, ед. | 662 | - | $N$ |
| 2 | Процент отбора хозяйств в выборочной совокупности от генеральной совокупности *(G)* | 8,0 | - | $w$ |
| 3 | Число *(n)* хозяйств в выборочной совокупности от *G*, ед. | 53 | 3 = 2 х 1 / 100 | $n = \frac{w * N}{100}$ |
| 4 | Объем валового сбора урожая зерновых культур в выборочной совокупности, центнер | 265,0 | - | $q$ |
| **5** | **Объем валового сбора урожая зерновых культур в генеральной совокупности, центнер** | **3312,5** | **5 = 4 х 100 / 2** | $\boldsymbol{Q = \frac{q * 100}{w}}$ |

*) Данная таблица также используется при расчете других показателей вопросника.

Приложение № 6
к Методическим положениям по организации
и проведению выборочного обследования
фермерских хозяйств

**Механизм формирования выборочной совокупности и проведение обследования фермерских хозяйств**

| Этапы | Механизм реализации | Ответственные |
|---|---|---|
| **I** | **Генеральная совокупность *(N)*** - формируются списки районов, городов с указанием в них количества всех действующих фермерских хозяйств с разбивкой их по Общегосударственному классификатору видов экономической деятельности (ОКЭД-2) по Республике Каракалпакстан, областям на основе данных Единого государственного регистра предприятий и организаций (ЕГРПО) по состоянию на 1 января. | Управление статистики сельского хозяйства и экологии Госкомстата |
| **II** | **Выборочная совокупность *(n)*** - осуществляется отбор фермерских хозяйств по каждому району, городу на основе исчисленного на первом этапе. | Управление статистики сельского хозяйства и экологии Госкомстата |
| **III** | На основе исчисленного на втором этапе количества хозяйств составляется список фермерских хозяйств, отобранных для обследования с указанием в них СОАТО, ОКПО, ИНН, наименования фермерских хозяйств, ОКЭД-2, прикрепляется в программное обеспечение и доводится до территориальных органов статистики. | Управление статистики сельского хозяйства и экологии Госкомстата |
| **IV** | Подготовительные работы. | Территориальные органы статистики |
| **V** | Сбор информации. | Территориальные органы статистики |
| **VI** | Обработка данных, распространение выборочных данных на генеральную совокупность. | Территориальные органы статистики, Управление статистики сельского хозяйства и экологии Госкомстата |
| **VII** | Публикация и распространение данных. | Управление статистики сельского хозяйства и экологии Госкомстата, территориальные органы статистики |